

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 4

2022 йил 29 декабрь

Йиғилишга раислик қилди: Лутфулла Муҳаммадназаров, *Кенгаш раиси*

Иштирок этдилар: Шухрат Суёнов – *Кенгаш раиси ўринбосари*
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил учун мўлжалланган иш режаси лойиҳасини муҳокама қилиш.

2. Келгуси йилда Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Муҳаммадназаров кириш сўз билан очди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномада Жамоатчилик кенгашлари олдида муҳим вазифалар қўйилганлиги, шулардан келиб чиқиб, вазирлик фаолиятида очиклик, қонунийлик, натижадорлик ва сифатни ўрганиб бориш, раҳбариятга асослантирилган таклифлар бериш зарурлигини қайд этди. Президентининг 2022 йил 21 декабрда қабул қилинган “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони ижросини таъминлаш доирасида вазирликдаги мақбуллаштириш жараёнларида Жамоатчилик кенгашининг ўрни бўлиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суёнов сўзга чиқиб, Жамоатчилик кенгаши аъзоларини 2023 йил учун мўлжалланган иш режасининг лойиҳаси билан таништирди.

Вазирликдаги мақбуллаштириш жараёнларида таклифлар бериш учун кенгаш аъзолари - Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Х.Лапасов ҳамда Юридик бошқарма бошлиғи Р.Шароповни ҳам жалб этишни таклиф этди.

Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов, Т.Долиев, М.Икромова сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил учун мўлжалланган иш режаси лойиҳаси қайтадан такомиллаштирилиб, бир ой муддатда тасдиқлашга киритилсин. Бу вазифа кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюновга юклатилсин.

2. Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов томонидан икки ҳафта муддатда Сув хўжалиги вазирлигини мақбуллаштириш юзасидан Жамоатчилик кенгашининг таклифлари ишлаб чиқилиб, кенгашнинг бошқа аъзолари билан муҳокама қилинганидан сўнг вазирлик раҳбариятига белгиланган тартибда киритилиши таъминлансин.

Йиғилиш баённомасини

расмийлаштирди:

Кенгаш котиби:



Н.Худойбердиев